



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 13 сентябрь, № 189 (7147)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 сентябрь куни Давлат бюджетига тушумларни кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган ишларни тўлиқ бажариш, 9 ой ва йил якуни бўйича белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш, пахта-тўқимачилик соҳасида кластерларни жорий этишни жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Бугунги йиғилишимизда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган устувор вазифа ва мақсадли параметрларни бажариш ҳолатини муҳокама қилиб, яна қўшимча резервларни ишга солиш чораларини қўришимиз, йил якунигача 3,5 ой вақт бўлсада, келгуси йил режаларини ҳозирданқоқ белгилаб олишимиз керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Чунки иқтисодий ўсиш — бу, биринчи навбатда, янги корхоналарни қуриш ва кенгайтириш, йўл-транспорт, ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, инфляция ва нархларни жиповлаш ҳамда одамларни иш билан таъминлаш деганидир.

Биз бу борада охириги 2 йил мобайнида жуда улкан ислохотларни, кўплаб йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширдик ва давом эттирмакдамиз. Ушбу устувор вазифаларни ва фуқароларимиз ҳаётини янада яхшилаш юзасидан зиммамизга олган мажбуриятларни муваффақиятли бажаришимиз учун республика ва маҳаллий бюджетларга қўшимча даромадни кўпайтиришимиз зарур.

Шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни ривожлантириш учун қабул қилинган инвестиция дастурларини изчил амалга оширишимиз керак.

Иқтисодиётни модернизация қилиш ва барқарор ривожлантириш учун етарли валюта тушумини таъминлаш, бунинг учун махсулотларимиз рақобатбардошлигини ошириб, уларнинг экспортини кўпайтиришимиз даркор. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида замонавий бозор муносабатларини кенг жорий этиш мақсадида пахта-тўқимачилик кластерларини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз керак, деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда шу борада амалга оширилган ишлар натижалари таҳлил қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Президентимизнинг жорий йил бошида берган топшириғига мувофиқ, бюджетга қўшимча

даромад тушириш бўйича резервлар излаб топилиб, уларни сафарбар қилиш чоралари қўрилган эди. Бунинг натижасида 8 ойда Давлат бюджетига ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 21 фоиз кўп даромад туширилди. Жумладан, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг ўсиши 22 фоизни ташкил этди.

Шавкат Мирзиёев қўшимча даромадларни янада ошириш имкониятлари мавжудлигини таъкидлаб, мутасаддиларга бу борада аниқ манбалар ва чора-тадбирларни белгилаш бўйича топшириқлар берди.

Маҳаллий ҳокимликлар иктиёрида қолаётган қўшимча даромадларни самарали ва мақсадли сарфлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Йиғилишда жорий йилнинг 9 ойи ва йил якуни бўйича белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш, нарх-наво ўсишининг олдини олиш, инвестицияларни ўзлаштириш, экспортни кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Давлатимиз раҳбари мақсадли ва прогноз параметрларига эришишда муаммо мавжуд бўлган соҳа ва тармоқларда ишларни жадаллаштириш, белгиланган кўрсаткичларни таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Жорий йилда ишга туширилиши мўлжалланган объектларни фойдаланишга топшириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳолати таҳлил қилинди.

Ҳар бир инвестиция лойиҳасини қўриб чиқиб, қолоқлик мавжуд бўлганларини жадаллаштириш, бунга тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал қилиш, ишлаб чиқаришни тезроқ бошлаш муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, 2019 йилги инвестиция дастури лойиҳасини шакллантиришни якунлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Ҳудудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, энди жойларда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга тўқинилик қилаётган муаммоларни ечиш, улар-

ни жадаллаштириш бўйича ишлар мутлақо янги ёндашув асосида ташкил этилади. Ҳар бир ҳудудга ишчи гуруҳлар бориб, жорий йил охиригача лойиҳа тақлифдан тортиб, то уни амалга оширишгача бўлган жараёнда маҳаллий ҳокимликлар ва ташаббускорларга кўмаклашади.

Йиғилишда ушбу ҳудудий ишчи гуруҳларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Экспорт масаласи муҳокама қилинар экан, 9 ой якуни билан экспорт ҳажми 2017 йилнинг мос давридагига нисбатан 19 фоиз ошиши кутилаётгани қайд этилди. Президент ҳар бир экспортчи корхона ва экспорт қилинадиган маҳсулот тури бўйича кўмак бериш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишни таъминлаш лозимлигини таъкидлади.

Такрорий экинлардан қўтилаётган 607 минг тонна экспортбоп махсулотлар, шунингдек, сентябрь-октябрь ойларида иссиқхоналарда етиштирилаётган сабзавотни экспорт қилиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Давлатимиз раҳбари бозорларда нархлар ошишига йўл қўймаслик зарурлигини таъкидлаб, 501 минг тоннадан зиёд қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини захира қилиш ва уларни қишбаҳор ойларида халқ эhtiёҳига мутаносиб равишда ички бозорга чиқариш бўйича кўрсатмалар берди.

Йиғилишда пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилда 20 та туманда 164 минг гектар майдонда кластер усулида пахта етиштириш йўлга қўйилиб, бу тажриба дастлабки натижаларини бера бошлади.

Илгари марказлашган маблағлар ҳисобига бажарилган мелiorация ва ирригация ишлари, қишлоқ ҳўжалиги техникасини сотиб олиш каби тадбирларни эндиликда кластерлар ўз маблағлари ҳисобидан бажаряпти. Томчилятиб ва пластик қувурлар орқали суғоришда ҳам кластерлар илғор.

Энг муҳими, кластерлардаги пахта ҳосилдорлиги бошқа фермер ҳўжаликлариغا нисбатан 5 — 10 центнер юқори бўлиши кутилмоқда.

Узунни оқлаётган бу тизимни янада кенгайтириш мақсадида келиб тушган тақлифлар қўриб чиқилиб, ишлаб чиқариш қувватлари ва молиявий имконияти мавжуд бўлган 44 та ташаббускор танлаб олинди. 2019 йилда 61 кластер томонидан жами пахта майдонларининг 51 фоизиди пахта етиштириш режалаштирилмоқда.

Келгусида пахта етиштирувчи 133 та тумандан 70 таси тўлиқ кластер тизимига ўтади. Янги ташкил этилаётган кластерлар томонидан 41 корхона тақлиб этилиб, 23 мингга яқин иш ўринлари яратилади.

Янги қувватларни ташкил этиш ва кластерлар фаолиятини йўлга қўйиш натижасида 2019 йилда ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг 78 фоизи ўзимизда қайта ишланади. Бу 2017 йилдагига нисбатан 2 маротаба кўп дегани. 2020 йилга бориб, пахта толасини тўлиқ қайта ишлашга ўтилади. Тайёр махсулотларни ишлаб чиқариш улуши 40 фоиздан камида 60 фоизга етказилади.

Шунинг учун кластерлар фаолиятига ҳар томонлама ёрдам беришимиз зарур. Пахтачиликда қишлоқ ҳўжалигининг келажаги, унинг иқтисодий самарадорлиги кластерлар билан боғлиқ. Кластерлар агар соҳани жадал ривожлантиришининг локомoтиви бўлиши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Жорий йилда пахта-тўқимачилик кластерларига берилган барча имтиёзларни кейинги йилларда ташкил этиладиган кластерларга ҳам татбиқ этиш, кластерлар фаолиятини янада кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

2019 — 2023 йилларда қишлоқ ҳўжалигида томчилятиб суғориш тизимини босқимча-босқич жорий этиш дастурини ишлаб чиқиш, соҳага халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитларини жалб қилиш бўйича топшириқлар берилди.

БЕЛАРУСЬ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко 12 сентябрь куни расмий таширф билан мамлакатимизга келди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Беларусь Президентини Мустақиллик майдонига таширф буюриб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Александр Лукашенко ушбу мухташам майдон Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини, халқимизнинг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу интилишларини акс эттирувчи ноёб мажмуа эканини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг олий мартабали меҳмон Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳайкали пойига гул қўйиб, Буюк Йўлбошчимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Таширфнинг асосий тадбирлари 13 сентябрда мўлжалланган.

Аввал хабар қилингандек, Шавкат Мирзиёев ва Александр Лукашенконинг Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтадиган музокараларида Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликка доир кенг қўламли масалаларни

муҳокама қилиш, сиёсий мулоқотни, савдо-иқтисодий, инвестиция, фан ва таълим, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустақамлаш ва ривожлантиришнинг узoқ мuddатли истиқболга мўлжалланган асосий йўналишларини белгилаб олиш режалаштирилган.

Ўзбекистон ва Беларусь Президентлари минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашади.

Олий даражадаги музокаралар якунида давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти, Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги кўп қиррали дўстона алоқаларга янги суръат бағишлашга қаратилган салмоқли давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро келишувлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Таширф дастуридан Тошкент қишлоқ ҳўжалиги техникаси заводидаги “Амкор-Агротехмаш” қўшма корхонасининг очилиш маросими, “Беларусда ишлаб чиқарилган” миллий кўргазмаси, шунингдек, атоқли беларус адиби Якуб Колас хотирасига атаб бунёд этилган ёдгорликни зиёрат қилиш ва бошқа тадбирлар ўрин олган.

ЎзА.

Ислохот

ОШКОРА, ШАФФОФ ВА СОДДА

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш юзасидан хулосаларини эълон қилиш орқали жамоатчилик назорати амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди бюджет маълумотларининг очиклиги ва шаффофлигини янада ошириш, бюджет маблағларининг шаклланиши ҳамда сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Унга мувофиқ, эндиликда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг бюджет соҳасидаги ваколатлари доирасида Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш юзасидан тақдим этиладиган хулосалари мажбурий тартибда эълон қилинади.

Бу амалиёт қандай натижалар беради? Биринчидан, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари бўйича хулоса берилиб, унда:

— мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози (ЙИМ ўсиш суръати ва тармоқлар бўйича таркиби, инфляция даражаси, олтин-валюта захиралари, республикадаги истеъмол ҳажми, таъқи савдо айланмаси ва бошқалар) таҳлил қилиниб,

асосий устувор йўналишлар, яъни иқтисодиётни эркинлаштириш ва фаол инвестиция сиёсатига мувофиқлиги;

— солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича солиқ ставкаларининг ўзгариши, уларни бир томондан, Давлат бюджетига, иккинчи томондан, солиқ тўловчиларга, фуқароларимизга таъсири, солиқ базасини кенгайтирилган ҳолда солиқ юкнини пасайтириб бориш;

— Давлат бюджетини давлат мақсадли жамғармаларининг асосий даромад манбалари турлари, олдинги йил кўрсаткичларига қараганда ўзгариши ва ЯИМга нисбати;

— Давлат бюджетини давлат мақсадли жамғармалари харажатларининг таркиби, уларнинг асосли шакллантирилганлиги ва аниқ мақсадга йўналтирилиши, ижтимоий соҳалар, давлат ва ҳудудий ривожлантириш дастурлари доирасида (соғлиқни сақлаш, олий таълим, халқ таълими, мактабгача таълим, болалар спортини, маданият, коммунал соҳа, йўл ва транспорт, сув ҳўжалиги соҳаларидаги лойиҳалар, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла”, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш дастурлари) зарур бўлган харажатлар молиявий манбалари таъминланганлиги;



Атлас байрами: БУ ГАЛГИ ДАСТУР АВВАЛГИЛАРИДАН ФАРҚ ҚИЛАДИ



Қадрият

Марғилонда “Атлас байрами” фестивали бошланди. ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси, Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Хунарманд” уюшмаси, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, вилоят ҳокимлиги ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган тадбирда Қозоғистон, Тожикистон, Хитой, Испания, Мўғулистон, Россия, Франция каби 38 давлатдан мутахассислар, экспертлар, хунарманд усталар, дизайнерлар, сайёҳлар иштирок этапти.



Депутат фикри

Нотариат тизимида қандай янгиликлар кутилмоқда?

Яқин-яқингача аҳолига кўрсатилаётган нотариал хизматлар сифатининг паст даражадалиги, нотариат идораларидаги узундан-узун навбатлар, давлат божлари ва бошқа йиғимлар ундиришнинг шаффоф эмаслиги, шунингдек, мавжуд бюрократик тўсиқ ҳамда говлар аҳолининг мазкур тизимга бўлган ишончини пасайтириб, ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди. Айниқса, бу коррупция ҳолатларининг пайдо бўлишига имкон яратиб, жиддий муаммоларни келтириб чиқаргани барчамизга аён ҳақиқат.

Ўтган қисқа вақт ичида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мазкур соҳани тубдан такомиллаштириш борасида изчил ислохот бошланди. Аввало, тизимнинг ҳуқуқий асослари қайта қўриб чиқилиб, қонунчилик базаси такомиллаштирилди. Халқимиз манфаатига мос, одамларнинг оғирини енгил қилиш, уларга қулайлик яратишга хизмат қиладиган, шаффоф тартиб-таомиллар ўрнатилди. Бирок кун ўтгани сайин қандай жабҳага янгилик



1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Директор — малакали менежер, мактаб эса замонавий таълим даргоҳига айланади

Бугунги кунда халқ таълими тизими олти миллиондан ортиқ кишиларни (5,2 миллиони мактаб ўқувчилари бўлса, 408 минг нафари ўқитувчи ва раҳбарият) қамраб олган. Аммо Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган мониторинг натижалари улар таҳсил олаётган ва таълим бераётган муассасаларнинг моддий-техника базаси талаб даражасида эмаслигини кўрсатди.

Сўнгги 8 йил мобайнида мамлакатимизда мактабларнинг умумий сони 151 тага қисқарган. Немис тилига ихтисослаштирилган 16 та мактабдан бугунги кунда фақат 4 таси фаолият юритса, француз тилидаги 14 та таълим муассасасидан 3 таси иш олиб бормоқда хо-

лос. 28 фоиз мактабларда алоҳида компьютер хоналари мавжуд эмас. 63 фоизда эса ахборот технологиялари жуда эскирган. Қисқача айтганда, соҳа тўлиқ ислохотга муҳтож.



Савдо-иқтисодий алоқалар мустақамланиши учун қулай муҳит



Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги алоқалар кейинги йилларда тобора кенгаймоқда. Жорий йилнинг январь — июль ойларида ўзаро савдо айланмаси ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб тўрт баробар кўпайиб, 229,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бундан ташқари, Беларусь Республикасида Ўзбекистон резидентлари томонидан 6 та корхона фаолияти йўлга қўйилиб, саноат маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Юртимизда эса ушбу мамлакат ишторикида 30 та корхона, шу жумладан, 27 та қўшма корхона ташкил этилган. Шундан унчаси тўлиқ беларуслик ишбилармонлар сармояси асосидаги ишлаб чиқариш субъектлари ҳисобланади.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожига эса 2008 — 2017 йилларга мўлжалланган шартнома ва иқтисодий ҳамкорлик дастури, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш ва даромад ҳамда мол-мулк солиғи бўйича солиқ тўлашдан қочиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар ҳуқуқий асос

бўлиб хизмат қилмоқда. — Бугунги кунга келиб, икки давлат ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилмоқда, — дейди “МАЗ” очик акциядорлик жамияти бош директори Дмитрий Катеринич. — Хусусан, биз юртингиз билан ҳамкорлик қила бошлаган дастлабки йилда 840 минг долларлик атрофида техникалар сотган бўлсак, яқин келажақда бу кўрсаткични 2,5 миллион долларга етказишни режалаштирганмиз. Шу билан бирга, бу ерда сервис хизмати кўрсатиш маркази ҳамда махсус техникалар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ҳам ташкил этиш ниятидамиз. Мазкур форум мўлжаллаган ишларимизни янада жадаллаштиришига ишонамиз.

Тадбир давомида икки давлат ишбилармонларининг В2В форматидagi кооперация бирхаси ҳам ўтказилди.

Форумнинг очилиш маросимига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Н. Отахонов, Беларусь Республикаси Бош вазири ўринбосари М. Русий сўзга чиқди.

Дилшод УЛУҒМУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мулоқот

Кореялик мутахассислар Жиззахда

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ташаббуси билан Жиззах вилоятига таширф бюрган Корея Республикасининг Ер, инфраструктура ва транспорт вазирлиги ҳамда давлат архитектура-қурилиш компаниялари вакилларида иборат делегация аъзоларига вилоят инвестицийий ва туристик салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

— Мамлакатимиз шаҳарларида ҳам Жиззахдаги каби манзаралар учрайди, — дейди Корея Республикаси делегацияси аъзоси Ким Сон Хо. — Ҳамкорлигимиз натижа-сида бу ҳудуд янада ажойиб манзилга айланишига ишонамиз. Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамда Корея Республикасининг Ер, инфраструктура ва транспорт вазирлиги ўртасида меморандум имзоланди.

Т. ЭШҚОБИЛОВ.

Директор — малакали менежер, мактаб эса замонавий таълим даргоҳига айланади



Президентимизнинг “Халқ таълими-ни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони тизимдаги мавжуд муаммоларни бошқарувдаги ислохотлар орқали ҳал қилишга қаратилгани билан аҳамиятли. Ҳужжат билан соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширишда Халқ таълими вазирлигининг мувофиқлаштирувчи роли ва масъулияти кучайтириляпти. Шунингдек, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мазкур йўналишдаги вазифалари, функциялари ва ваколатлари аниқ белгиланиб, тартибга солинмоқда.

Шу билан бирга, ўқув-тарбия жараёнига бошқарувнинг янги механизмлари ва сифат стандартларини жорий этиш мақсадида раҳбар ҳамда педагог ходимларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишнинг илғор таълилий-ҳуқуқий механизмлари амалиётга татбиқ этилади. Халқ таълими тизимида кадрлар сиёсатини шакллантиришнинг замонавий тамойиллари босқичма-босқич кенг қўлланилади.

Энг аввало, тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилиб, шаффоф ва самарали жамоатчилик назоратига эришиш назарда тутилмоқда. Муассасаларнинг фаолиятини баҳолашнинг электрон рейтинг тизими жорий этилади.

Бу, мактаб директорининг имиджи ўзгармоқда, деганидир. Энди у шунанки директор эмас, аввало, малакали менежер — бошқарувчи бўлиши талаб этиляпти. Шунга яраша унинг ваколат доираси кенгайтирилмоқда. Эндиликда директор мактабнинг бюджетдан

ташқари маблағларини мустақил бошқариш ҳуқуқига эга. Яъни қўшимча пуллик таълим хизматлари, мактабга тегишли биноларни, дейлик, ошхона ва бошқаларни ижарага беришдан олинадиган маблағларни ўзи сарф қила олади. Илгари бу даромадларнинг 40 фоизи мактаб маъмурияти ихтиёрига қолдирилган бўлса, янги Фармонга кўра, олинган фойданинг 99 фоизи мактаб ҳисобига қолдирилади.

Бунинг учун Фармон асосида яна бир жиддий янгиланган мактаб этилди. Албатта, энг яхши бошқарувчи ҳам ўрни келганда жўяли маслахат бера оладиган мутахассислар, ҳолис ёрдамчилар керак. Фармонга кўра, 2018 йил 1 октябрдан бошлаб умумтаълим муассасаларининг васийлик кенгашлари тугатилиб, ўрнига кузатув кенгашлари ташкил этиляпти.

Яъни муассаса фаолиятига ҳисса қўшишга қодир энг фаол ота-оналар, битирувчилар, ҳомийлар ва бошқа шахслар иштирокида юридик шахс мақомисиз умумтаълим муассасаларининг кузатув кенгашлари тузилади. Уларнинг зиммасига бир қатор вазифалар ҳам юкланмоқда. Мактабнинг, қолаверса, шу даргоҳда таълим оладиган ўқувчиларнинг тақдирига дахлдор шахслар сифатида улар вазирлик томонидан тавсия этилган номзодлардан умумтаълим муассасаси раҳбарини сайлаш, шунингдек, белгиланган тартибда уни эгаллаб турган лавозимидан озод этиш ҳақида таклифлар кирита оладилар.

Бундан ташқари, умумтаълим муассасасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб, мактабнинг молиявий-ҳўжалик ҳолати, даромадлар ва харажатлар, бюджет, бюджетдан

ташқари, ҳомийлик ва бошқа маблағлардан фойдаланиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида доимий хабардор бўлиб туради. Энг муҳими, ўқувчилар учун яратилган шароитлар устидан тизимли равишда мониторинг ўрнатиш ваколати ҳам уларнинг масъулиятига ишониб топшириляпти.

Фармонда “замонавий мактаб” атамаси ҳам қўлланилган. Бу нима дегани? Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда етакчи лойиҳа институтларини жалб қилган ҳолда, умумтаълим муассасаларини қуришнинг халқаро тажрибаси ўрганилиб, 2019 йил 1 январга Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий мактаб” Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси тақдим этиладиган бўлди.

Экологик жиҳатдан тоза материаллар ва энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар асосида замонавий мактаблар қуриш мақсад қилиняпти.

Бундай мактаблар ўқув синфлари замонавий мебеллар, илғор ўқув ва лаборатория ускуналари, дарсликлар, ўқув-услубий материаллар, мультимедиа техникаси ҳамда видеокузатув тизимлари билан жиҳозланади. Хулоса қилиб айтганда, Фармонга кўра, директор — малакали менежер, мактаблар эса замонавий илм даргоҳларига айланади.

Гулҷеҳра САТТОРОВА, Олий Махлис Сенати аъзоси, Навоий вилояти Кармана тумани 4-умумтаълим мактаби директори.

Атлас байрами:

БУ ГАЛГИ ДАСТУР АВВАЛГИЛАРИДАН ФАРҚ ҚИЛАДИ



Шу муносабат билан ташкил этилган матбуот анжуманида ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Дандев Бадарч, ушбу ташкилотнинг Тинчлик йўлида элчиси,

бангладешлик дизайнер Биби Рассел сўзга чиқиб, фестивалнинг бу йилги ўзига хос жиҳатлари ҳақида тўхтади.

— Меҳмондўст халқингизга меҳр-муҳаббатим бошқача, шу боис ҳам аънаванай байрамнинг доимий иш-

тирокчисиман, — дея таъкидлади Биби Рассел хоним. — Фестиваль доирасидаги тадбирлар ҳақида яна бир гап: бу галги матоларнинг ҳаммаси ўзбекона бўлади. Шунингдек, модель қизлар ҳам, тикувчилар ҳам ўзбек қизларидан танлаб олинди. Хатто намоийшларимиздаги оҳанглар ҳам ўзбеконадир. Фестиваль ёш тадбиркор ва унгармандларни қўллаб-қувватлашда ҳам ўзига хос роль ўйнайди.

“Атлас байрами” доирасида “Буюк Ипак йўлида Шарқ ва Ғарб маданиятининг ўзаро таъсири: Ханчжоу, Марғилон, Валенсия” мавзусида илмий конференция бўлиб ўтди.

— Усталарнинг тўққизинчи авлодимиз, — дейди “Хунарманд” уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи Расулжон Мирзаахмедов. — Аждодларимизнинг ишларини давом эттириб юқори натижаларга эришиб келяпмиз. Шу кунгача Бухоронинг “Аъло” баҳмали, Хоразмнинг

“Турмабелбоғ”и ва “Аълоча” матоларини қайта тиклади. Мана шундай тадбирлар фикр, тажриба алмашиш учун жудаам керак.

— Марғилоннинг матолари менга ёқди, — дейди венециялик сайёҳ Милано Коопер. — Сафаримни ҳар гал шу байрам кунларига қараб режалаштираман. Бу йил оила аъзоларим ва яқинларим билан келим.

Эркин Воҳидов номидаги ижодкорлар богида бўлиб ўтаётган фестивалда ош сайли, дорбозлик ва аънаванай кураш томошалари, қўғирчоқ театри чиқишлари, аския ва концерт дастурлари, модалар намоийшидан ҳам баҳраманд бўлиш мумкин.

Элёржон ЭҲСОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хурсандбек АРАББОВЕ олган суратлар.



уни бекор қилиш нотариал ҳаракати ҳамда унга алоҳида давлат божги тўлатиши нормаси ҳам чиқариб ташланди. Шунингдек, қонунга юридик шахснинг ваколатли бошқарув органи мурожаатига кўра, унинг коллегиял органи томонидан қарор қабул қилинганлик фактини тасдиқлаш, нотариус лавози-

Нотариат тизимида қандай янгилıklar кутилмоқда?

либ, Олий Махлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди ва маъқуллаш учун Сенатга юборилди.

Ушбу қонунда бир қатор муҳим жиҳатлар ўз аксини топган. Жумладан, унда кўчмас мулк ижараси ва текин фойдаланиш шартномаларини мажбурий нотариал тасдиқлашни бекор қилиш, кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни республикадаги исталган нотариал идорада расмийлаштириш, жисмоний ва юридик шахслар нотариал тасдиқланадиган битим лойиҳасини мустақил тайёрлаганда, ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ҳақ тўлашдан озод этилиши, жисмоний ва юридик шахсларнинг нотариал идораларга электрон мурожаат қилиш тартиби белгиланмоқда.

Мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишга тақиқ қўйиш ва

мига номзодларнинг стажировка ўташ тартиби, айрим турдаги битим, ариза ва бошқа ҳужжатларни имзолаш жараёнини мажбурий аудио ва видеоёзувда қайди этиш, нотариусларни аттестациядан ўтказиш ва уларни ротация қилиш ҳамда бошқа ўзгаришлар киритилмоқда.

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши келгусида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда нотариат институтининг ролини ошириш, нотариал хизматларнинг самарали, шаффоф тизимини яратиш ҳамда соҳани ҳалол, юқори малакали мутахассислар билан тўлдиршига имкон яратди.

Бунёджон ЭШОНҚУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Янгилıklar

Видео орқали кузатилади

Урганч шаҳрининг транспорт воситалари серкитнов бўлган чорраҳаларига ўрнатилган видеокузатув камералари қондабузарликларни автоматик тарзда қайди эта бошлади.

“Хавфсиз шаҳар” мажмуини яратиш мақсадида рўёбга чиқарилаётган ушбу инновацион дастур йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур янгилік Хоразм вилоятининг бошқа шаҳар ва туман марказларида ҳам жорий этилмоқда.

Одилбек ОДАМБОВЕ, «Халқ сўзи» мухбири.

Етти маҳалла аёллари ишли бўлди

Олот туманида “Шерзод Отамуродов Равнақи” оилавий корхонаси негизида тикувчилик цехи ишга туширилди.

Банкнинг 250 миллион сўм микдоридagi имтиёзли кредити эвазига ташкил этилган корхонада элликта иш ўрни яратилди.

— Қишлоғимизда шундай цех очилгани айна мудидао бўлди, — дейди тикувчи Ситора Негматова. — Бу ерда меҳнат қилиб, оиламизга қўшимча даромад келтирамиз.

Халифа, Чандир каби етти маҳалла аёллари ўзларига мос иш ўрнига эга бўлишди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Янги корхона фаолиятини бошлади

Сирдарё туманида “Агроглобал” масъулияти чекланган жамиятига қарашли пиллани қайта ишлайдиган замонавий корхона ишга туширилди.

Уни ташкил этишга 5 миллион АҚШ доллари микдоридa сармоя йўналтирилди.

— Кунига 800 килограмм пиллани қайта ишлаш имкониятига эгамиз, — дейди корхона технология Иzzат Турсунов. — Асосий мақсадимиз хом ашёни тайёр махсулот ҳолига келтириш.

Янги корхона ташкил этилиши тўғрйли 200 та иш ўрни яратилди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОШКОРА, ШАФФОФ ВА СОДДА

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш юзасидан хулосаларини эълон қилиш орқали жамоатчилик назорати амалга оширилади.



— Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ҳамда таширфлари давомида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Давлат бюджетни ва давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари параметрларида етарли маблағларнинг кўзда тутилганлиги; — республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнида давлат қарзи, Давлат бюджетни тақчиллиги таҳлил этилиб, фикр-мулоҳазалар баён қилинади.

Иккинчидан, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот юзасидан ҳар йили 10 майга қадар ташқи аудит ва баҳолаш натижалари бўйича Ҳисоб палатасининг хулосаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Унда Президент қарори билан тасдиқланган макроиқтисодий кўрсаткичлар, республика ва маҳаллий бюджетлар ҳамда давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари ва харажатларининг ҳақиқатдаги ижроси, уларни амалга оширишда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинганлиги юзасидан ўтказилган ўрганиш натижалари акс эттирилади.

Президентимизнинг мазкур қарорига асосан, Молия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар алоҳида “Очик бюджет” ахборот порталини ишга туширади. Ушбу порталга бюджет харажатларининг манзиллилиги устидан жамоат-

чилик назоратини амалга ошириш мақсадида Давлат бюджетни ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари, шунингдек, Давлат бюджетни ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар, улар юзасидан Ҳисоб палатасининг хулосалари жойлаштирилади.

Фуқароларимиз учун эса мазкур портал орқали бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатлари тўғрисида хабардор қилиш ҳамда бюджет жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш имконияти яратилади.

Эндиликда Ҳисоб палатасининг хулосаларини тайёрлашда яна битта йўналиш, яъни “Очик бюджет” ахборот портали орқали фуқаролардан келиб тушган асосли таклиф ва мулоҳазаларни Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этишда инобатга олинганлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Бу хулосалар фуқароларга нима беради? Фуқаролик жамиятида аҳоли ўзи тўлаётган солиқлари ва улар қандай мақсадларга сарфланаётганлигини, давлат харажатлари шаклланиши ва уларнинг тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлардан тўлиқ хабардор бўлади.

Бюджет лойиҳаси ва унинг ижроси юзасидан хулосалар кенг оммага эълон қилиниши, ҳар бир фуқаро учун мол-мулк ёки иш ҳақидан нима учун солиқ олинаётганлиги, давлат харажатлари қай тарзда тақсимланаётганлиги, давлат томонидан аҳоли учун керакли шароитларни яратиш бўйича мажбуриятлари бажарилиши тўғрисида очик-ойдин ахборотлар олиш имконини беради. Бундан ташқари,

аҳоли бюджетни режалаштириш, уни харажатларга йўналтириш ва Давлат бюджетни лойиҳасини муҳокама қилишда иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Халқаро тажрибада ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг бюджет жараёнлари бўйича назорат амалга оширилишида олий аудит органлари томонидан жамоатчилик назоратидан кенг фойдаланиш амалиёти қўлланилади. Масалан, Россия Федерацияси Ҳисоб палатаси томонидан федерал бюджет лойиҳаси йиғирмага яқин йўналишлар бўйича кўриб чиқилиб, хулоса берилади ва омма эътиборига ҳавола этилади (амалга оширилган назорат тадбирлари, ўрганиш ва таҳлиллар натижалари доимий равишда бюллетень шаклида чоп этиб борилади).

Этиборли томони шундаки, хулоса тайёрланишида Россия Федерацияси Президентининг Россия Федерациясининг Федерал мажлисида йўллаган Мурожаатномасидаги асосий вазифалар амалга оширилиши ҳам таҳлил қилинади. Шу каби функциялар Германия Федератив Республикаси Федерал Ҳисоб палатаси, Франция Ҳисоблар Суди (Ҳисоб палатаси), Британия миллий аудиторлик идораси, Япония Ҳисоб палатаси томонидан ҳисоботлар қўрунишида амалга оширилади. Жумладан, Германия Федератив Республикасида ҳукуматнинг ҳар йили бюджетни ижроси ва келгуси молиявий йил учун даромадлари ҳамда қарзлари тўғрисидаги ҳисоботлари юзасидан текширув натижалари Парламентга тақдим этилади.

Францияда Ҳисоблар Суди томонидан бюджет маблағларининг самарали сарфланиши, шу жумладан, бюджет ҳисобварақлари ҳолати бўйича назорат натижалари тўғрисидаги йиллик ҳисоботлар чоп этиб борилади. Британия миллий аудиторлик идораси давлат бюджетни маблағларининг мақсадли сарфланиши ва белгиланган вазифаларга мувофиқлиги юзасидан Парламентга ўзининг хулосаларини тақдим этади. Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари ҳисобварақлари бўйича ўтказилган аудит натижалари тўғрисида 50 дан ортиқ ҳисоботлар эълон қилинади. Япония Ҳисоб палатаси томонидан ҳам ҳар йили давлат даромадлари ва харажатлари аудитдан ўтказилиб, натижалари тўғрисидаги ҳисоботлар Парламентга тақдим этилади.

Юқоридаги давлатларнинг ҳисоботларида бюджет даромадларининг шаклланиши ва харажатлар амалга оширилиши, ҳукумат томонидан белгиланган вазифалар бажарилишида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳолати, бюджет ҳисобварақлари ҳаракати таҳлил натижалари баён қилиниб, белгиланган муддатларда ваколатли органга тақдим этиб борилади. Шунингдек, Халқаро олий аудит институтлари ташкилоти (INTOSAI) томонидан ҳам олий молиявий назорат органларининг тегишли ҳисоботлари оммавий равишда чоп этилиши ва уларни шакллантиришда жамоатчилик фикри инобатга олиниши юзасидан тавсиялар берилган.

Президентимизнинг “Бюджет маълумотларининг очиклиги ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иш-

ЦЕМЕНТ КЕРАК, АММО УНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ЗАРАР ЕТКАЗМАСИН!

Бугун юртимиз том маънода қурилиш майдониға айланган. Мамлакатимизнинг қайси ҳудудига борманг, йирик бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Ушбу эзгу саъй-ҳаракатлардан кўзланган мақсад — халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш.

Маълумки, ҳар қандай қурилишни цемент хом ашёсисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис кейинги йилларда мазкур муҳим маҳсулотни ишлаб чиқариш борасида бир қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, 2014 йилда Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида Олмалиқ кон-металлургия комбинати таркибида қурилиш материаллари тайёрлашга ихтисослаштирилган “Жиззах цемент заводи” иш бошлагач, юртимизда мазкур маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ортди. Бугунги кунда корхонада йилга 350 минг тонна оқ ва 760 минг тонна портланд цемент тайёрланиб, унинг маълум қисми қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда. Бу ерда 400 нафардан зиёд кишиларнинг бандлиги таъминланган.

«Халқ сўзи» назоратида

Мазкур корхона фаолияти ва ишчи-хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиш мақсадида заводга ташриф буюрдик. Бизга раҳбарият йиғилиш ўтказиётгани, у икки-уч соат давом этишини маълум қилишиб, кутиб туришимизни билдиришди.

Тўғриси, корхона олдида бир соатдан зиёд кутиб тура олмадик. Сабаби, заводдан чиқаётган оҳак ва тупроқ кукуни миқдори шунчалик кўпки, кафтингизни очиб турсангиз, икки дақиқа ўтмай, ҳовучингиз оҳак гилига ўлади.

Шу боис фурсатни бой бермай, завод атрофида яшаётган аҳолининг турмуши билан танишиш мақсадида Ҳамза қишлоғига бордик ва одамлар фикрлари билан қизиқдик.

— Завод жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб шу аҳволга тушиб қолди, олдин бундай эмасди, —

дейди шу қишлоқда яшовчи Ҳамида Нормуродова. — Ҳар куни эрталаб соат 5-6 лардан бошлаб устимизга оҳактош кукуни ёға бошлайди ва бу ҳолат тушдан кейин соат 16-17 ларда камаяди. Биз ана шу вақтда уйдан чиқмасликка ҳаракат қиламиз. Барибир чанг ва кукун хонадон ичигача кириб кетади. Оғиз ва бурнимизга ниқоб тақиб оламиз. Барибир соғлиғимизга таъсир қилмай қолмапти. Аҳолининг катта қисми касалликка чалинган. Ишонмасангиз, уйларга кириб чиқинг...

Алам қиладигани, шу чангда 5-6 километр масофадан қийналиб олиб келаётган ичимлик сувимиз ювинишга базўр етпти холос.

Ушбу масалага ойдинлик қиритиш мақсадида цемент заводига қайтиб келиб, раҳбариятнинг фикрини билишга ҳаракат қилдик. Бироқ заводга кириш ва рўйхатга олиш бўлими ходимлари бизни раҳбарият қабул қилмаслиги, бу масалага жавоб бера олмаслигини айтишди. «Олмалиқ кон-метал-

лургия комбинати» акциядорлик жамияти раҳбарияти рухсат берса, мазкур завод маъмурияти жавоб беришини билдиришди. Начо-ра, ишлаб чиқарувчилар сўзини эшитолмай орқага қайтишга мажбур бўлдик.

Йўлда чўпонлар, Оқтом қишлоғи аҳолиси билан суҳбатлашдик. Уларнинг айтишича,

кейинги беш ой давомида заводда тозалаш ускуналари ишламапти. Натижада атрофдаги қишлоқлар ва чўпонлар катта зарар кўришмоқда. Хусусан, қўйлар оҳак қукуни ҳамда цемент тушган ўт-ўланлар ва янтоқни ейиши натижасида нобуд бўляпти. Бадбўй ҳаводан нафас олиш эса янада қийин. Экинлар зарарланмоқда.

Корхона тўлиқ қувват билан ишлаганда, бир кеча-кундузда ҳавога 10 — 12 тонна чиқинди чиқар экан. Бироқ бугунги кунда 200 тоннага яқин чиқинди атмосферага кўтарилмоқда. Энг ачирли жихати, бу чиқиндилар деярли тайёр маҳсулот бўлиб, қайта ишланса, яна цементга айланади.

Бугунги кунда бир килограмм цементнинг бозор нархи 850 — 900 сўмини ташкил этишини инобатга олсак, ҳар куни 170 — 180 миллион сўмлик маҳсулот ҳавога учи кетаяпти.

Тўғри, қурилишнинг асосий хом ашёси ҳисобланган цемент керак. Лекин фуқаролар саломатлиги ҳам ўта муҳим масала! Бунга мутасаддилардан жавоб кутиб қоламиз.

Толибжон ЭРГАШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Тақдимот

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди уюшма аъзоларининг ижтимоий-маънавий фаоллиги ва масъулиятини ошириш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилган.

ХАЛҚ ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Уларни халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданияти, элимизнинг фидокорона меҳнати билан эришилаётган тўб ўзгаришларни теран акс эттиришга қаратилган юксак бадиий асарлар яратишга рағбатлантириш, уюшма аъзоларининг моддий ҳамда маънавий манфаатларини, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шоир ва адиблар учун ҳар томонлама шароит яратиш бериш, машаққатли ижодий меҳнатини адолатли баҳолаш каби вазифалар шулар жумласидандир.

Ана шу эътибори раҳбариятнинг яратилган бир қатор асарлар “Адиб ва жамият” руқидида нашр этилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон

Ёзувчилар уюшмасида мазкур рук остида чоп қилинган китоблар тақдими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси вакиллари, шоир ҳамда ёзувчилар, адабиёт-шунос олимлар, иқтидорли ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси С. Сайид ва бошқалар адабиёт ривожига қаратилаган эътибор, яратилаётган имкониятлар, айнққса, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 августдаги ижодкор зиёлилар билан ўтказган тарихий учрашувидан кейин адабиётимизда рўй берган жонла-

ниш, ижобий ўзгаришлар ижодкорларни Ватан ва халқ олдидаги масъулиятини ҳис этишга ундаётгани, янги асарлар яратишга илҳомлантираётганини таъкидлади.

Туркумдан Анвар Обиджоннинг “Фарғоналиклар”, Эшқобил Шукурнинг “Бобо сўз изидан”, Энахон Сиддиқованин “Барханларда унган гул”, Иқбол Мирзонинг “Зарб”, Маҳмуд Тоирнинг “Янгилаётган Ўзбекистон”, Шодмонкул Саломнинг “Кўнгил обидасига йўл”, шунингдек, “Мен Ўзбекистон фуқаросиман” ва “Халқ қалбига йўл” каби китоблар жой олган.

М. ЖОНИХОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Икки етакчи соҳанинг ягона бизнес майдони

ҚАДОҚЛАШ ВА БОСМА ИШИ

20-юбилей халқаро кўргазмаси

2018 3-5 ОКТЯБРЬ

Ўзбекистон, Тошкент ш., «Ўзэкспомарказ» МКК АЖ

ONLINE РЎЙХАТДАН ЎТИНГ

Дастлабки икки кун фақат соҳа мутахассислари таклиф этилади!

Гувоҳнома № 3953

742/1970

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Тошкент вилояти бошқармасига қарашли, Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 10-«А» уйда сақланаётган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/736 РВА бўлган, «Nexia» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

● **Бошланғич баҳоси — 39 854 100 сўм.**

Аукцион савдоси 2018 йил 15 октябр кунин соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2018 йил 12 октябр кунин соат 18.00.

Мазкур автотранспорт воситаси 2018 йил 15 октябрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдолари 2018 йил 30 октябр, 6, 13, 20, 27 ноябр кунлари ўтказилади. Такрорий аукцион савдолари учун аризаларни қабул қилиш мuddати: 2018 йил 30 октябрдаги савдо учун — 26 октябр, 6 ноябрдаги савдо учун — 2 ноябр, 13 ноябрдаги савдо учун — 9 ноябр, 20 ноябрдаги савдо учун — 16 ноябр, 27 ноябрдаги савдо учун — 23 ноябр кунлари соат 18.00.

Аукцион савдоси голиби деб топилган шахсга 10 банк кунин мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Давр банк» ХАТБ Олмасор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850.

Гувоҳнома № 001805.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

Кичик бизнес субъектлари ва хунармандлар диққатига!

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 августдаги 676-Ф-сонли фармойиши ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 20 августдаги 1240-сонли қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус — 2018» кўрик-танловининг туман босқичлари 2018 йил

10 сентябрдан 21 сентябргача ва Тошкент шаҳар босқичи 24 октябрда Олмасор тумани «Зарқайнар миллий либослар галереяси» биносидида ўтказилади. Ушбу кўрик-танловда иштирок этиш истагидаги кичик бизнес субъектлари ва хунармандлар туман тадбиркорликка кўмаклашиш марказларига тегишли ҳужжатлар орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 236-78-45, 233-74-94, 233-46-71.

АРМАТУРА

ШВЕЛЛЕР КРУГ

ТРУБА УГОЛОК

БАЛКА

ЛИСТ

ООО «Sharif-Steel»,
Ўзбекистон,
г. Ташкент,
массив Сергели,
Южная промзона, 27.

(95) 177-99-17
(95) 143-77-17
(91) 136-55-53

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 76 732 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонлар (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган кўлабмақал тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиш учун обунини расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Набатчи — Ю. Буранов.
Мусаххас — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 23.05 1 2 3 4 5 6